



“ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!”

ҲАР ҲАФТА ДУШАНБА
КУНИ “ЕТТИЛИК”
АЪЗОЛАРИ УЧУН
“МАҲАЛЛА
СОАТИ” ҲУҚУВ
МАШҒУЛОТЛАРИ
ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
16 АВГУСТ,
ШАНБА

Mahalla

№66
(2290)

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

“Mahalla” газетаси ва
“Mahalla ko'zgusi” журнаliga
2026 йил учун ОБУНА БОШЛАНДИ!

УНУТМАНГ, КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ СИЗНИ
МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИГА ОИД ТАҲЛИЛИЙ, ИЛҒОР
ТАЖРИБАЛАРГА БОЙ МАҚОЛАЛАР, ХОЛИС ВА
ТЕЗКОР АХБОРОТ, ҚИЗИҚАРЛИ ХАБАРЛАР КУТАДИ!

ҲУРМАТЛИ РАИС, СИЗ СЕВИМЛИ
НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛДИНГИМИЗ?

ШОШИЛИНГ!
МАҲАЛЛАНИ
“Mahalla”СИЗ
ТАСАВВУР ЭТИШ
ҚИЙИН...

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
71 233-39-89, 71 233-10-92



Амалий семинар таклиф ва тавсияларга бой бўлади

Самарқанд шаҳрида ёшлар ишсизлигига барҳам бериш ва жиноятчиликнинг олдини олишда “маҳалла еттилиги” ва таълим муассасалари ҳамкорлигига бағишланган Республика амалий семинари иш бошлади.

Республика семинари очилиш маросимида Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси раиси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Куронбоев, Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев, БМТнинг

Ўзбекистондаги доимий координатори Сабине Махл, Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Адиз Бобоев иштирок этди.

Уч кун давом этадиган семинарда ёшлар бандлигини таъминлашда “маҳалла еттилиги”нинг ўрни, ёшлар етакчиларининг таълим муассасалари билан ҳамкорлиги муҳокама қилинади. Ёшлар жиноятчилигининг олдини олишда профилактика инспектори ва ёшлар етакчиси ҳамкорлиги, ёш оилалар ўртасидаги ажралишларга барҳам бериш, маҳаллаларда оммавий спортни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.

Маҳаллаларда фаолият юритаётган ёш тadbиркорлар, IT, стартап лойиҳа ва дастурлар асосида ишлаётган ёшлар фаолияти ўрганилади.



ЖАРАЁН

ОБОДЛИК

“ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАҲАЛЛА — ЮРТ КЎРКИ”



Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойиши билан республика бўйлаб “Обод ва файзли маҳалла — юрт кўрки” шиори остида 22-23 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади.

Ҳашар кунлари:

☑ маҳаллалар, йўллар, боғлар ва қабристонлар ободонлаштирилади;

☑ ижтимоий объектлар ҳудуди тозаланади;

☑ эҳтиёжмандларга амалий ёрдам кўрсатилади;

☑ соғлом турмуш тарзи ва санитар-гигиеник маданиятни тарғиб қилиш мақсадида давра суҳбатлари ташкил этилади.

Фармойишга кўра, ҳар бир маҳаллада амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Ҳар бир кўча, кўп қаватли тураржойларда “кўчабай”, “хонадонбай” иш ташкил этилади, ҳар бирига “маҳалла еттилиги” ва фаоллар бириктирилади. Хайрия ҳашарига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқарув компаниялари, аҳоли, айниқса, ёшлар ихтиёрийлик асосида жалб этилади.

СОҒЛОМ ТУРМУШ САРИ



“Маҳалла лигаси”: ЖУШҚИНЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ДЎСТЛИК ТАНТАНАСИ

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасидаги “Маҳалла лигаси” спорт мусобақаларининг якуний — ҳудудий босқичлари ўтказилди.

Айтиш керакки, “Маҳалла лигаси” мусобақалари жорий йилдан бошлаб, илк мартаба Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Спорт вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда маҳаллалардаги 30 ёшдан катта аҳоли вакиллари спортнинг етти тури — мини-футбол, волейбол, стол тенниси, стритбол, воркуот, шахмат ва шашка бўйича ўзаро беллашади.

Мусобақалар уч босқичда уюштирилади. Унинг биринчи — маҳалла ҳамда иккинчи — туман (шаҳар) босқичлари июнь-июль ойларида 9 008 та маҳалла, 208 та туман (шаҳар)да кўтаринки

кайфиятда ўтказилди. Уларда 2 миллиондан ортиқ аҳоли вакиллари рўйхатдан ўтди. Учинчи — ҳудудий босқичда туман (шаҳар)дан сараланган спортчилар ўз маҳоратини намойиш этишди.

Урганч шаҳридаги Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида қизгин беллашувлар ўтказилди. Ҳар бир спорт турида ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Иштирокчилар соғлом турмуш тарзи тарғиботига қаратилган бундай мусобақалар доимий равишда ташкил этилиши зарурилигини, маҳаллаларда спортга оммавий қизиқиш уйғонганини қайд этишди.

(Давоми 8-саҳифада).

БУГУНГИ СОНДА:

Бийлар “еттилик”ка елкадош ва кўмакчига айланган

Маҳалланинг ҳақиқий кучи — фуқаролар бирдамлигидан бошланади. Туманда 201 нафар кўчабийи маҳалла раислари билан елкадош бўлиб фаолият юритмоқда. Аини пайтда улар “маҳалла еттилиги”га ҳақиқий кўмакчи.

3-с.

Аҳил “еттилик”дан рахбарлар тайинланди

Ҳоким ёрдамчиси Шавкат Вафоев Урганч шаҳридаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази раҳбари, хотин-қизлар фаоли Хулкар Маҳмудова “Тозабоғ” маҳалласи раиси, ёшлар етакчиси Зафар Мадрахимов Ёшлар ишлари агентлигининг Урганч шаҳар бўлими раҳбари лавозимига кўтарилди.

5-с.

Аввал ибрат бўлмасангиз, интилиш наф келтирмайди

“Аслида, раислик менга отамерос иш. Дадам бир неча йил халққа йўлбошчилик қилган. Улардаги фидойилик, аҳоли манфаатларини ўзиникидан устун билиш, ҳар бир топириқни виждонан адо этиш каби жиҳатлар бугун асосий қоидаларимга айланган”.

6-с.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Франция элчиси Орелия Бушезни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари чиқиндиларни қайта ишлашни кенгайтириш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди.



Президент раислигида ТЎҚИМАЧИЛИК СОҲАСИДА экспорт имкониятлари ва захираларни ишга солиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ЯНГИЕР ШАҲРИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Иш ўринлари кўпайди, камбағаллик қисқарди, салоҳият тикланди

ТАШАББУС ВА ТАКЛИФ

БИРЛИК, ТАШАББУС ВА ҲАРАКАТ БАРЧАСИНИ ИЖОБИЙГА ЎЗГАРТИРДИ

Кечагина биз ишсизлик ва камбағаллик даражаси юқори ҳудуд эдик. Бир йилнинг ичида ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳолат яхшиланди. Кўчалар ораста, хонадонлар саранжом-саришта бўлди.

Шаҳзода ЯХШИБОЕВА,
Янгиер шаҳридаги
“Бинокор” маҳалласи раиси.

Барчасига бирлик, ташаббус, ҳаракат ортидан эришдик. Ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда маҳаллага саноатнинг олиб кирилгани ва илғор тажрибаларнинг йўлга қўйилгани бош омил бўлди. Мисол учун, касаначиликка ихтисослашган марказ фаолият бошлаши натижасида новвойхона, ўқув маркази, гузаллик салони, тикувчилик, эшик-дераза ромлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган еттига кичик лойиҳа амалга оширилди. Бу ерда 45 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Янги ташкил этилган тикув корхонасида 15 нафар хотин-қиз ишлаяпти. Корхона раҳбари Исмигул Маматкаримова ўз уйида 2 нафар шогирди билан иш бошлаган эди. Маҳалла кўмагида 48 миллион сўм субсидия ажратилганидан сўнг тикув машиналари сотиб олди, фаолияти кенгайди.



Марказдаги қандолатчилик корхонасида ҳам 10 нафар аёл рўзгорига барака олиб қиярпти. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да турган бу хотин-қизлар камбағалликдан чиқиб, 5 миллион сўмгача даромад толяпти. Энг муҳими, одамларнинг онги, дунёқараши ўзгарди. Меҳнат орқали турмуши фаровон бўлишини англаб етди. То-морқачилик, иссиқхона тармоғи ривожланди. Аҳоли қўшимча даромад олиш мумкинлигига гувоҳ бўлди.

Достон Худойбердиев аввал хорижда ишлаган бўлса, имтиёзли кредит асосида хонадонида 1,5 сотихли иссиқхона, асаларичилик, чорвачиликни йўлга қўйди.

Хурматой Маҳмудованинг оиласи 3 та тикув машинаси олиб, камбағалликдан чикди. Ҳозирда 4 нафар қизи, келини ва ўзи шу ерда ишли бўлди, тадбиркорга айланди.

Зохиджон Норалиев имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Ўзидан ташқари, яна 5 нафар ишсизнинг бандлигини таъминлади. Улар 4 миллион сўмгача ойлик маош оляпти. Ишсизлик даражаси 2024 йилнинг ўзида 14,4 фоиздан 0,7 фоизга пасайди.

Президент ташаббуси асосида биринчилардан бўлиб, ҳудудда тажриба тариқасида “Маҳалла сервис компанияси” иш бошлаганди. 2024 йилнинг августидан 2025 йилнинг шу давригача 3 400 метр квадрат майдон ободонлаштирилди. 500 метр узунликдаги ариқ тозаланди, 370 та даракхташ шакл берилди, 3 300 донаси оқланди, 3,2 гектар катталиқдаги ерга ишлов берилди. Бундан ташқари, 9 та кам таъминланган оила хонадонига бепул хизмат кўрсатилди. Бугунгача 400 та хонадонни қамраб олганмиз. Бунинг эвазига 4 та янги иш ўрни яратилди. Келгусида хизмат турларини кўпайтириб, 700 та хонадон билан ишламоқчимиз.

Шу ўринда “Маҳалла сервис компанияси” фаолиятини янада ривожлантириш учун таклиф билдирмоқчиман. Бунинг учун коммунал хизматлар билан боғлиқ онлайн тўлов, ҳисоб-китоб ва мурожаат платформасини яратиш керак. Бу орқали аҳолига кўрсатиладиган хизмат турлари кўпаяди.

Сир эмас, маҳаллалардан чиқинди олиб чиқиб кетиш муаммо. Бу аҳоли норозилигига сабаб бўляпти. Ечим сифатида шу фаолият турини “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонасидан компани-яларга ўтказиш керак. Шунда маиший чиқиндиларнинг ўз вақтида ва сифатли олиб чиқиб кетилишига эришилади.

Ҳозирда “Маҳалла сервис компанияси” фаолияти чекланган, бандликни таъминлаш имконияти жуда паст. Бунинг олдини олиш учун уларга давлат ва нодавлат ташкилотларида 200 млн. сўмдан ошмаган қурилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда етказиб бериш бўйича хизмат кўрсатиш ваколатини бериш керак.

Янгиер бир вақтлар нафақат Сирдарё вилояти, балки республикада иқтисодий жиҳатдан ривожланган шаҳар сифатида донг таратган. Аммо кейинги йилларда шаҳарнинг ўша шуҳрати пасайиб кетганди. Бугунги кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида яна унинг аввалги мавқеи тиклана бошлади.

Илҳомжон САЙФИДДИНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Янгиер шаҳар бўлими бошлиғи.

Бир қатор маъмурий, ижтимоий, маиший, савдо иншоотлари, аҳоли турар жойлари, ишлаб чиқариш корхоналари, мактаб-гача таълим муассасалари, истироҳат боғи, текис ва раvon кўчалар барпо этилди. Инфратузилма яхшиланиши ортидан одамларнинг турмуши фаровонлашди. Бугунги, янгиланаётган Янгиерга келган киши ўзгаришлардан ҳайратга тушади. Жумладан, ҳар бир маҳалла алоҳида маъмурий ҳудуд сифатида ривожланипти.

Иш самарадорлигини таъминлаш мақсадида ходимлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилляпти. “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида “Маърифат”, “Янгиобод” маҳалласи янгидан қурилган бўлса, “Фазилат”, “Шукрона”, Заҳиридин Мухаммад Бобур ва Абдурахмон Жомий номидаги маҳаллалар бинолари капитал таъмирланди. Темур Малик номидаги маҳалла биноси реконструкция қилинди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Янгиер шаҳар бўлими ташаббуси билан “Маърифат” ва Темур Малик номидаги маҳаллалар биносига қуёш панели ўрнатилди. Бугунга келиб, шаҳардаги барча маҳаллалар ўзининг замонавий биносига эга. Зарур шaroит яратилиб, хоналар замон талаби асосида жиҳозланди.

Ходимлар ташаббус билан ишлаш лозимлигини юракдан англаяпти. Шу боис “маҳалла еттилиги” иш кунининг асосий қисмини кўчада, халқнинг орасида ўтказишга одатланган. Мақсад — одамлар розилигига эришиш.

Маълумки, инвестиция келса, иш ўринлари кўпаяди, иш ўринлари кўпайса, оилаларга барака киради, камбағаллик қисқаради. Буларнинг барчаси бир-бирига боғлиқ жараён.



Давлат раҳбарининг “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида камбағаллик даражаси 1 йилда 14 фоиздан 3,9 фоизга қисқарди. 2024 йилда 2 минг 267 та камбағал оила рўйхатга олинганди. Энг оғир ҳолатдаги 262 та оила танлаб олиниб, вилоят ва шаҳар раҳбар ҳамда ўринбосарларига бириктирилди. Амалга оширилган ишлар натижасида ўтган 11 ойда 752 та оила камбағалликдан чиқарилди.

“Хорижга иш — маҳалладан” тамойили асосида шаҳар маҳаллаларидаги миграция ҳолати доимий ўрганиб бориляпти. Жорий йилда 1 минг 101 нафар фуқаро хорижга ишлаш ва ўқиш учун кетган. “Маҳалла еттилиги”нинг саъй-ҳаракати натижасида 231 нафари оиласи баргига қайтди. Зарур ёрдам кўрсатилиб, бандлиги таъминланди.

ТАЖРИБА

Яқингача кимдан кўмак сўрашни билмас эдик...

Яқингача ишсиз ва камбағал аҳоли вакиллари кўмак сўраб, кимга мурожаат қилишни билмасди. Уларнинг дардини эшитувчи бирор масъул раҳбар топилмасди. Шу боис бўлса керак, ишсизлик ва камбағаллик даражаси жуда юқори эди. Жумладан, маҳалламизда ишсизлик 30 фоиздан юқори бўлган. Бугунга келиб, 7 фоизни ташкил этяпти.



Муқаддас ЎРУМБОЕВА,
Янгиер шаҳридаги
“Шодиёна” маҳалласи раиси.

Бу натижага эришишда, аввало, яратилган имкониятлар, қулай шароит муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, М-34 халқаро магистрал йўли бўйида жойлашганимиз учун хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантирдик. Бундан ташқари, 326 та хонадон эгаси

томорқадан самарали фойдаланишни йўлга қўйди.

Ҳудудда 20 гектарлик иссиқхона мавжуд. Унда 200 нафардан кўп фуқаронинг бандлиги таъминланган. 5 гектар майдонда қулупнай етиштирилиб, хорижга сотиляпти. Бундан ташқари, 7 та хонадонда тезкор балиқ етиштиришни йўлга қўйдик.

Мактаб битирувчиси Ситора Мамасолиева ёш бўлишига қарамай, шу йўналишда яхши натижага эришяпти. Йил бошида ташланган

балиқ чавоклари ҳозирга келиб, 2 кг. вазнга етди. 90 миллион сўм даромад кутяпти.

“Ёшлар саноат ҳудуди”дан 1 гектар ер олиб, балиқчиликни йўлга қўйган Нурбек Турдимуродов ҳам 12 та янги иш ўрни яратди.

Севара Худойбердиева ҳоким ёрдамчиси кўмагида иссиқхона ташкил этиш билан бирга, имтиёзли кредит ҳисобига чорвачилик ва қандолатчилик фаолиятини бошлади. Айни пайт оиланинг 5 нафар аъзоси шу ерда иш билан банд. Яна бир ташаббускор фуқаро — Диёра Бахтиёрова қандолатчилик бўйича нафақат Янгиер шаҳрига, балки қўшни туманларга маҳсулот етказиб беряпти.

Ҳудудда “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган хотин-қизлар билан индивидуал иш ташкил этганмиз. Йил бошида 84 нафар аёл эҳтиёжманд сифатида рўйхатга олинган бўлса, 51 нафари ишсизлар тоифасида бўлган. Ҳозирга келиб, барчасининг бандлиги таъминланди. Мисол учун, имтиёзли кредит эвазига тикувчилик фаолиятини бошлаган Феруза “Шарбабеева” Янгиер флоратредин” корхонаси билан касаначилик асосида ҳамкорлик қиялпти.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла саноатлашиб, ишсизликдан холи ҳудудга айланди.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

“Mahalla” — нафақат тажриба, балки фикр айтиш минбаридир



Бахтиёр МАҲҚАМОВ,
Янгиер шаҳридаги
“Шукрона” маҳалласи раиси:

— Газета ва журналлар нафақат маънавий озуқа манбаи, балки ўзаро тажриба майдони, фикр айтиш минбаридир. Ахборот маконида маҳалла тизимига доир янгилик, ташаббус ва тажрибаларни оммалаштиришда “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журнали ягона нашр ҳисобланади. Олис Қорақалпоғистон Республикасидаги маҳалла тажрибасидан тортиб, водий вилоятларидаги раис ташаббуси фақатгина шу нашрларда чоп этилади.

Иш фаолиятимда газета ва журналда ёритилган мақолалардан кўп фойдаланаман. Мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, маҳалла тизимидаги янгиликлардан биринчилар қаторида хабардор бўламан. Ҳамкасбларимнинг тажрибаси янги ғоялар сари руҳлантиради. Унда чоп этилган мақолалар орқали соҳадаги, ўзгаришлар, воқеа-ходисаларни билиб оламан. Шу боис ҳар йили газетага биринчилар қаторида обуна бўламан.



Ўзбекистондаги бир гуруҳ фаластинлик фуқароларга кўмак бериш тизимини йўлга қўйиш бўйича ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ қабул қилинди.



Қорақалпоғистон ва Хоразмдаги айрим оилаларни ИЧИМЛИК СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ харажатларини қоплаш учун субсидия ажратилади.



Банклар томонидан ОМОНАТЛАРНИ КАФОЛАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИга бадаллар тўлаш тартиби белгиланди.

Mahalla

№66 | 2025 йил 16 АВГУСТ, ШАНБА

3

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МЎЙНОҚ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Бийлар “еттилик”ка елкадош ва кўмакчига айланган

Юртимизда маҳалла институтини янада ривожлантириш, уни халққа яқин ва манфаатли тузилмага айлантириш йўлидаги ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли муаммоларини маҳалланинг ўзида ҳал қилишга қаратилган Президент фармон ва қарорлари ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.



15 мингдан ортиқ фуқарони қамраб олган “ягона сўровнома” орқали аҳоли муаммолари ўрганилди. 28 нафар фуқаронинг муаммолари “Рақамли маҳалла” орқали “еттилик”ка етказилиб, ҳал этилди.

Султонбек РАСБЕРГЕНОВ,
Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси
Мўйноқ тумани бўлими бошлиғи.

Бугун Мўйноқ туманида “маҳалла еттилиги” тизими орқали маҳаллаларда ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик ва миграция каби муаммоларни бартараф этиш, фуқароларнинг муаммоларини маҳаллада ечиш, аҳоли турмушини яхшилаш бўйича амалий ишлар олиб бориляпти.

Ҳар бир маҳаллада “Маҳалла бюджети” амалиёти жорий этилиб, ҳудудда йиғилган солиқ тушум-

ларининг 10 фоизи маҳалланинг ўзида қолмоқда. Мўйноқ туманидаги 12 та маҳалла бюджетига ўтган олти ой ичида 129 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Бу маблағлар кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, инфратузилмани ривожлантириш ва “Яшил макон” лойиҳасини амалга оширишга сарфланмоқда.

Маҳалланинг ҳақиқий кучи — фуқаролар бирдамлигидан бошланади. Шу боис Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида кўча ва уй бийларининг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Бу асосда туманда 201 нафар кўчабийи рўйхати шакллантирилди ва улар маҳалла

раислари билан елкадош бўлиб фаолият юритмоқда. Айни пайтда “Бийлар институти” маҳалла еттилиги нинг ҳақиқий кўмакчига айлангани қувонарли ҳол.

Жорий йилда илк мартаба янги тартиблар асосида фуқаролар йиғинлари раислари сайлови юқори савияда ўтди. Тумандаги 12 маҳаллада 1 833 нафар вакил иштирокида 34 нафар номзод орасидан 6 нафар янги, 6 нафар амалдаги раислар сайланди. Улар орасида хотин-қизлар ва маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳам борлиги бу тизимнинг очиқ ва инклюзив тусга эга эканини кўрсатади.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla” — фаолиятимизга тутилган ойна

Гулсима БАХЫТЖАНОВА,
Мўйноқ туманидаги
“Қозоқдарё” маҳалласи раиси:

— Сўнгги пайтларда “Mahalla” газетасида жорий этилган янги руқн орқали маҳаллалар ҳаёти кенг ёритила бошлади. Бу биз — маҳалла раислари учун ҳам тажриба, ҳам илҳом манбаи



бўлмоқда. Энг муҳими, маҳалламизда амалга оширилаётган ишларни бошқалар билан ўртоқлашиш, бир-биримиздан ўрганиш имкони пайдо бўлди.

Айниқса, бошқа ҳудудлардаги илғор тажрибалар билан танишиб, уларни маҳалламиз шароитига мослаб жорий этишга ҳаракат қиламиз. Амалий натижалар эса аҳоли ҳаётида ўз аксини топомқда.

Газетада ўз тажрибаларимизни ёритиш имконияти ҳам бўлди. Масалан, ижтимоий ҳимоя бўйича маҳалламизда амалга оширилган ишлар ҳақида мақола эълон қилинди. Бу фақат ҳамкасблар эмас, балки аҳоли томонидан ҳам яхши баҳоланди. Кўриниб турибдики, газета — фаолиятимизга тутилган ойна!

ТОМОРҚАСИ БОР ХОНАДОН КАМБАҒАЛ САНАЛМАЙДИ

Раисликка сайланганимдан буён бир нарсани чуқур англадим: одамларимизни меҳнатга етакласангиз, шароит яратсангиз, ўз томорқасида мўл ҳосил етиштириб, рўзғорига даромад киритишга тайёр. Асосийси — ният, йўл кўрсатиш, кўмак бериш.



Мажит ШЕРНИЯЗОВ,
Мўйноқ туманидаги
“Қизилжар” маҳалласи раиси.

Авваллари томорқачиликка унчалик эътибор бўлмади. Лекин ҳозир ҳар бир хонадон ердан унумли фойдаланмоқда. Энди одамлар тушуниб етди: “Ер ишлатсанг — ризк беради”. Полиз экинлари — бодринг, помидор, картошка, ошқовоқ экётганлар кўп. Фақатгина ўз эhtiёжи учун эмас, ортганини бозорга чиқариб, даромад қилаётган оилалар ҳам бор.

Масалан, бир ўқитувчимиз бор — Қувончбой Аметов. У киши 50 сотих ерининг 10 сотихини боғ қилган, 5 сотихда помидор ва бодринг етиштиради. Қолган 35 сотих ерга фақат ошқовоқ экади. Ўтган йили ошқовоқдан келган даромад билан фарзандининг шартнома тўловини тўлади, ўзига ҳам ортиб қолди. Мана бу — меҳнатнинг меvasидир!

Бугун шундай хонадонлар борки, фақат ошқовоқ экиш билан бир неча миллион даромад топомқда. Албатта, бунга сув ҳам сабаб бўлди. Авваллари сув муаммо эди. Лекин ҳудудимиз оғир ҳудудлар сирасига киритилди ва Амударёдан иккита насос орқали сув тортиб келтирилди. Шундан кейин томорқаларда ҳаёт қайнай бошлади.

Энди одамлар билиб қолди: “Томорқа — бу даромад манбаи!” Ҳозирда маҳалламиз аҳолисининг 90 фоизи деҳқончилик билан шуғулланади. Яқинда 10 нафар ёшга ер ажратдик. Аввал ёшларда қизиқиш суst эди. Ер оларди-ю, фойдаланмасди. Энди эса ўз кўзи билан даромадни кўриб, улар ҳам ҳаракат қилмоқда.

Аммо очиқ айтиш керак: одамлар орасида ҳали боқимандалик ҳолати йўқ эмас. Бола нафақасига қараб ўтирадиганлар бор. Иш берсангиз, “қилмайман” дейди. 2,5 миллион сўм ойлик таклиф қилсангиз ҳам рад этади. Бу жуда нотўғри. Меҳнатдан қочмаслик керак. Одамларга шуни тушунтиришимиз керакки, давлат берган пул вақтинчалик ёрдам, лекин ҳақиқий барака меҳнатда!

Шундай боқиманда кайфиятдаги фуқаролар билан ишлаш-ни кучайтиришимиз керак. Уларни ҳам томорқага жалб қилайлик. Ҳар бир хонадон ўз ховлисида бир туپ дарахт, бир ғўза, бир қатор полиз экадиган бўлса, нафақат рўзғори тўқин бўлади, балки жамият ҳам барқарор бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалламизда томорқачилик ва деҳқончилик асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланган. Энди бу тажрибани янада кенгайтириш, ёшларни жалб қилиш, меҳнатни қадрлашни тарғиб қилиш ва боқимандаликни камайтириш — олдимиздаги асосий вазифа. Биз бу йўлда бор кучимиз билан ишлаймиз. Чунки халқимизга хизмат — энг улўф хизматдир.

МАНЗАРА

Меҳнат қилган қадр топади, ҳатто чўлда ҳам...

Ҳар бир раиснинг зиммасида одамларни эшитиш, тушуниш, қўллаб-қувватлаш, имкон яратиш каби катта масъулиятлар бор.

Амангелди ЖАКЕТОВ,
Мўйноқ туманидаги
“Уч сой” маҳалласи раиси.

Маҳалламизда 1 350 нафар фуқаро истиқомат қилади. Бу ўзига хос жамоа, ҳар бири ўз ризқини ҳалол йўл билан топаётган, рўзғорини бут қилиш йўлида меҳнат қилаётган инсонлар. Ҳудуднинг иқлими, табиий шароити сабабли бу ерда деҳқончиликни ривожлантириш мушкул. Ичимлик сув ҳаммада йўқ, сув етказиб бериш ҳали-ҳануз муаммо бўлиб қолмоқда. Деҳқончилик қилиш учун сув бўлмагач, одамлар чорвачиликка юз тутган. Чорвачилик — асосий “драйвер” га айланган. Ҳар бир хонадон чорва боқади. Ем-хашак масаласида халқимиз топқирлик қилиб, қамишдан ва бошқа

мавжуд табиий ўтлардан фойдаланиб, ечимини топомқда. Олдий инсонлар катта фермер бўлмаса-да, ўз эhtiёжини қондирибгина қолмай, ортганини ҳам сотиб, даромад қилмоқда. Қийинчиликда яшашни эмас, бу шароитда яшаб ҳам олдинга юришни ўрганиб қолганмиз.

Яна бир муҳим манба — артемия. Бу ном кўпчилик учун янгилик бўлиши мумкин. Лекин биз учун артемия тириқчиликнинг муҳим бўлаги. Орол денгизининг қолган қисмида яшайдиган бу майда жониворнинг тухуми экспортбоп ҳисобланади. Уни йиғиб, давлатга топшириш орқали ўзига муносиб даромад топаётганлар бор. Баъзилар 200-300 миллион сўмгача фойда кўради. Давлат бу ишни қаттиқ назорат қилади ва артемияни қонуний йўл билан топширганларга шартнома асосида пул тўлайди. Артемия — шунчаки сув жонивори эмас. Дунё бўйича артемия тухумидан



Бизнинг маҳалламиз оддий ҳудуд эмас — чўл бағрида, Орол денгизининг чеккасида жойлашган, табиий шароитлар оғир бўлган, лекин халқининг меҳнасеварлиги турадиган жой.

олинадиган маҳсулотлар 5 та йирик соҳада ишлатилади: аквакумандия, агросаноат, фармацевтика, тиббиёт ва косметологияда. Айниқса, аквакумандия — яъни балиқ етиштириш саноатида жуда катта аҳамиятга эга. Бу майда жонивор юқори протеин, аминокислота ва витаминларга бой. Яъни ўзида катта имкониятни яширган тирик манба.

Маҳалламизда иш билан таъминланганлар сони ҳам ортиб бормоқда. Йил бошида 77 нафар ишсиз фуқаро рўйхатда эди. Бугунги кунга келиб уларнинг кўпчилиги банд. Кимдир банк кредити олиб чорвачиликни бошлади, кимдир артемия билан шуғулланыпти, бошқалар эса яқин ҳудуддаги газ қонларида ёки завод-фабрикаларда ишляпти. Яъни ҳар ким ўз йўлини топомқда. Мен раис сифатида ҳар бирининг ҳаётида ўзининг мустақкам ўрнини топиб олишини хоҳлайман.



ЯНГИ ТОШКЕНТ
ШАҲРИГАЧА
БОРУВЧИ
МЕТРО ЛИНИЯСИ
2026 йил охирида
қуриб
битказилади.



Июль ойида
Ўзбекистонда
ЯНГИ АВТОМОБИЛЛАР
САВДОСИ
қарийб 40 фоизга
ошди.



Тошкент шаҳрида
соат 22:00 дан
06:00 гача
ҳаракатланадиган,
ЎЗИЛ РАНГДАГИ
АВТОБУСЛАР
ҳаракати йўлга
қўйилиши мумкин.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ИШТИХОН ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

МАСЪУЛИЯТ ВА ТАШАББУСКОРЛИК РУҲИ КУЧАЙГАН, ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ ОРТГАН

ТАЖРИБА

Бол тошган ҳам, бол тотган ҳам томорқанинг ортидан

Иштихонлик миришкорлар азал-азалдан томорқадан самарали фойдаланиш ва ундан йилига икки-уч марта ҳосил олиш сирини билишади. Маҳалламизда ҳам 835 та хонадон бўлиб, уларга тегишли 128 гектар томорқа майдони бор. Аҳолининг аксарияти иссиқхоналарда қўчат етиштиради.



Аслида, малиначилик билан шуғулланиш — сердаромад иш. Жомбой ва Тойлоқ туманлари деҳқонлари буни исботлаган. Мана, иштихонлик ёшлар ҳам бу ишнинг уддасидан чиқишди.

Обиджон РЎЗИЕВ,
Иштихон туманидаги
“Бешариқ” маҳалласи
раиси.

Томорқа ободлиги натижасида табиат яшиллигига, хонадонлар кўркамлигига, ишсизлик муаммосининг бартараф этилишига эришиляпти. Жумладан, маҳалланинг Қозоқовул қишлоғида яшовчи Султоновлар хонадонида бор-йўғи 5 сотих томорқа бор, бироқ бир қарич ер бўш турмайдди. Оила ҳар йили февраль ойининг илк кунларида томорқанинг 4 сотихига қўлбола иссиқхоналар қуради. Помидор, бодринг, бўлғор қалампери қўчатлари етиштириб, март ойида бозорга чиқаришади. Бўшаган жойга яна уруғ қадалади. Июль ойига қадар 3-4 мартагача қўчат етиштириб сотилади. Сўнгра иссиқхона бузилиб, жойига кечки экин, қарам ёки маккажўхори экилади. Оила шу ернинг ўзидан йилига 70-80 миллион сўм даромад топяпти. Бу хонадонда меҳнатга лаёқатли 4 киши бор. Уларнинг барчаси шу иш билан банд. “Меҳнат қилмаса, топган пулини ақл билан сарфлашни билмаса, кишининг ҳаёти фаровон бўлиши дарғумон, — дейди оила бекас Тамира Султонова. — 20 йилдан бери иссиқхона билан шуғулланамиз. Шунча йилдан бери ўзимни ва турмуш ўртоғимни, қолаверса, бугунги кунда ўғлим ҳамда келинимни ишсизлик

муаммоси қийнагани йўқ”. Ердан самарали фойдаланиш ҳақида сўз кетар экан, маҳалладаги ишсиз ёшлар учун ажратилган ер майдонининг 1 гектарига малина қўчатлари экиш тажрибаси қўлланилди. Туманда янгилик бўлган бу юмуш билан шуғулланиш осон эмас. Шунинг учун малиназор барпо этиш истагидаги ёшлар, хусусан, Сарвара Хуббимова унинг сир-асрорларини кўп йиллик тажрибага эга жомбойлик деҳқонлардан ўрганди. Малина йилига икки марта ҳосил беради. Ёш деҳқонлар ундан яхшигина даромад топяпти.

Маҳаллада, шунингдек, чорвачилик ривожланган. Оилаларда камида 2-3 тадан қорамол, 5-10 тадан қўй-эчки боқилади. Яйлов ерлар камлиги сабаб томорқада чорвага ҳам маҳсулот етиштирилади. Хонадонлар сут-қатик, гўшти бозорга чиқариб сотишади. Айни йўналишда ҳам ўз йўлини топган ёшлар, оилалар кўп.

Сирасини айтганда, бешариқлик миришкорлар ердан тўрт фаслда ҳам унумли фойдаланади. Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш, тўй қилиш, иморат солиш, янги русумдаги машина харид қилиш — барчаси томорқанинг ортидан. Қолаверса, айнан ер билан тиллашиш маҳаллани ишсизликдан, камбағалликдан холи ҳудудга айлантиряпти.



Касбим тақозоси туфайли деярли ҳар куни маҳаллаларда бўламан, оддий одамлар билан мулоқот қиламан. Бу жараёнда ҳар гал битта жиҳат эътиборимни тортади ва бундан доимо мамнун бўламан. Бу — бугун аҳолида юрт тақдир ва фаровонлигига дахлдорлик ҳисси ортгани, айниқса, “маҳалла еттилиги”даги масъулият ва ташаббускорлик руҳи кучайгани, етакчи сифатида элнинг корига яраш, халққа хизмат қилиш истаги жонланганидир...

Комил ЁВҚОЧДИЕВ,
Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси
Иштихон тумани бўлими
бошлиғи.

Бугун маҳалла қамраб олмаган биронта соҳа йўқ. Хох бандлик, миграция, камбағалликни қисқартириш, хох тадбиркорлик, касб-хунарга ўқитиш бўлсин, барча жараёнларда маҳалланинг иштироки бор ва зарур. Иштихонда аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлашда томорқачилик, чорвачилик имкониятларидан фойдаланяпмиз, янги иш ўринлари ташкил этишга эътибор қаратяпмиз. Аниқ рақамларга тўхталсак, туманда 3 926 та оила “Камбағал оилалар реестри”га кириштирилиб, уларнинг 3 691 таси (94 фоиз) бўйича “маҳалла еттилиги”нинг алоҳида индивидуал режалари ишлаб чиқилган. Шу асосда ҳозирги кунда бу оилаларнинг 9 349 нафар аъзоси барқарор бандлик ва юқори даромад хизматлари билан қамраб олинди, шундан 790 та оила камбағалликдан чиқарилди.

Иштихонликлар томорқачиликда ҳам ўзига хос тажрибага эга. Ҳар бир хонадонда ердан унумли фойдаланиш маданияти мавжуд. Жумладан, “Деҳқон-обод” маҳалласида яшовчи Самад Болиев хунарманд уста. Бешик ясайди. Бўш вақтида томорқадаги юмушлар билан шуғулланади. 8 сотих томорқадан йилига 2-3 мартагача ҳосил олинади. Даромад ҳам шунга яраша — биргина саримсоқ-



Маълумот учун, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида туманда 13 минг 127 нафар аҳоли бандлиги таъминланди, 1 541 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди. 764 нафар киши касб-хунарга ўқитилди.

пиёзнинг ўзидан йилига 70-80 миллион сўм фойда кўради.

Аслида, томорқадан ҳам мўмай даромад топиб, рўзгор тебратса, уйлар қуриб, тўйлар қилса бўлади. Фақат бунинг учун деҳқонobodлик деҳқонлар сингари меҳнат қилиш, сабрли бўлиш талаб қилинади. Шу боис ҳар гал аҳоли билан мулоқотларда томорқачилик бўйича мазкур маҳалла тажрибасини ўрнат қилиб кўрсатаман.

Юқоридаги жараёнлар билан бирга, маҳаллаларнинг инфра-тузилмасини яхшилаш, аҳолига қулай яшаш шароитини яратиш борасида ҳам салмоқли ишлар бажарилди. Хусусан, “Обод хона-

дон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари доирасида “оғир” тоифадаги “Қиёт” маҳалласининг манзараси буткул ўзгарди. Тўққиз қишлоқдан иборат маҳалладаги 1 200 дан зиёд оилада 6 400 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Тумандаги энг катта маҳалалардан бири ҳисобланса-да, ҳудудда аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратилмаган, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар аҳоли қайфиятига таъсир кўрсатар, таъбир жоиз бўлса, қиётликларнинг эртанги кунга ишончи ҳам ўзига яраша эди.

Бунёдкорлик ишлари асосида ички кўчаларнинг 7 километри асфальт қопламаси билан жорий таъмирланди 2,7 километрига янгидан асфальт ётқизилди. 35,2 километр тупроқ йўللарга кум-шағал тўкилди. 1,7 километр узунликда пиёдалар йўлагига барпо этилди. Ҳомийлик ва ҳашар йўли билан янги маҳалла биноси барпо этилиб, “еттилик” фаолияти учун барча шарт-шароит яратилди. Мазкур бионинг иккинчи қаватида тикувчилик цехи очилди. Аҳолининг спорт билан шуғулланиши учун бир нечта спорт майдончалари, дам олиш масканлари ташкил этилди.

Умуман олганда, тумандаги ишларни санайверсак, адоғи кўринмайди. Энг муҳими, бу саъй-ҳаракатлар маҳаллалар ободлигини таъминлаш, одамлар турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қиляётгани билан аҳамиятлидир. Аслида ҳам, туман раҳбарларидан тортиб, “маҳалла еттилиги”, қўчабоши ва уйбошилор, фаоллар ҳамжиҳат бўлсак, биргаликда ишласак, маҳалла ҳал қилолмайдиан бирорта муаммо қолмайди.

ИМКОНИАТ

“ЧАҒАТОЙ” ЧАРОҒОНЛИГИ АЁЛЛАР ҲУНАРЛИГИДАН

“Чағатой” маҳалласи бугун ўзгариш ва тараққиёт шамоллари эсиб турган, меҳнат ва ташаббус самарасини кўрсатиб бераётган маскан. “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари доирасида маҳалланинг қиёфаси буткул ўзгарди. Йўллар равланлашди, кам таъминланган қатлам, ишсизлик, мактаб ва боғча масалалари бирма-бир ҳал этилди.

Дилшод БЕГМАТОВ,
Иштихон туманидаги
“Чағатой” маҳалласи раиси.

Ободлик фақатгина биоларнинг таъмири ёки йўлларнинг тузатилиши эмас. Бу — одамлар ҳаёти фаровонлашиши, уларнинг ўз касби ва ҳунари билан шуғулланиши, оиласига наф келтириши, айни пайтда жамиятга манфаатли шахсга айланишидир. “Чағатой” маҳалласида айнан шу йўл танланди. Хотин-қизларнинг иш билан таъминланиши, уларга ҳунар ўргатилиши йўналишида улкан қадамлар қўйилди.

Ҳудудда маҳалла эҳтиёжларидан келиб чиқиб, турли курслар ташкил этилди. Тикувчилик, пишириқ тайёрлаш, кичик ҳамширалик каби йўналишларда мутахассислар иш бошлади. Бунинг натижасида ўнлаб хотин-қизлар янги касб эгаллаб, оиласига даромад келтира бошлади. Айниқса, аёлларнинг фитнес билан шуғулланиши учун имконият яратилиши нафақат жисмоний, балки руҳий саломатлик учун ҳам катта кадам бўлди.



Бу эзгу ишларнинг марказида фидойи аёллар турибди. Маҳалла хотин-қизлар фаоли Гулира Ҳамроева ташаббуси билан амалга оширилган лойиҳалар жуда кўп аёллар ҳаётини ўзгартирди. Тикувчиликни Севара Турғунова, ҳамшираликни Хайри-нисо Жўраева ва Гули Уролова, пишириқ тайёрлашни Барно Холикова, фитнесни эса мутахассислар ўргатишга киришди. Уларнинг меҳнати ва ташаббуслари маҳалладаги хотин-қизларга умид бағишлади.

Қувонарлиси, бу курсларнинг аксарияти текин, ҳамширалик йўналишида ойига бор-йўғи 230 минг сўм тўлов белгиланган. Ҳар бир курсга 15 нафардан ўқувчи қабул қилиниб, уч ой давомида таълим берилади. Ҳозиргача 60 нафар хотин-қиз янги касб эгаллаб, ўз мустақил фаолиятини бошлади. Бу — шунча аёл уйига қўшимча даромад қирғатяпти, шунча аёл жамиятнинг фаол фуқаросига айланди, шунча аёлга ҳаёт янада гўзал қўрғиняпти деганидир.

Обод ва фаровон ҳаёт — меҳнат самараси. Бу маҳалладаги қишлоқ, хотин-қизларнинг ўз ўрнини топиши, ҳар бир хонадонда қувонч ва фаровонлик бўлиши учун қилинган ҳаракатлар натижасини бермоқда. Ҳали режаларимиз бисёр, аёллар бандлиги йўналишида маҳаллада қўшимча хизмат кўрсатиш ва маиший шохобчалар очилди, гўзаллик саломи, овқатланиш жойлари, соғломлаштириш масканлари аёлларга қўшимча имкониятлар яратди.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

“Mahalla” билим ва тажрибани оширяпти

Жамшид НАҒАСОВ,
Иштихон туманидаги
“Қорақўйли” маҳалласи раиси:

— Раҳбар киши ҳар бир гапини аниқ манбага асосланиб гапирса, унга халқ ишонади. Бунинг учун мен, биринчи навбатда, “Mahalla” газетасига мурожаат қиламан. Унда чоп этилаётган ҳар бир мақоладан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан. Раисларнинг иш тажрибасими, таклифларими ёки савол-жавобларми, барча-барчасини ўқиб



чиқаман. Юртимизда рўй бераётган янгиликлар, қўнунчилигимиздаги ўзгаришлар, зарурий тавсия ва таклифлар маҳалла тизимидаги ишларни самарали юритишда айни мудоа бўляпти. Билмаган нарсаларини ўрганаман. У қўлимизда экан, демак, билим ва тажрибамиз ҳам ошиб бораверади. Аҳоли билан учрашганда газетда эълон қилинган мақолаларни муҳокама қиламиз. Маҳалламиз доимий фойдалангани учун ҳар йили нашрга биринчилар қаторида обуна бўламыз.



Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги ташкил қилинади. У тўқимачилик, чарм ва ипак саноатига масъул бўлади.



Ўзбекистондаги йўловчи поездларга АНОМАЛ ИССИҚ ТУФАЙЛИ ҚЎЙИЛГАН ЧЕКЛОВ ЧОРАЛАРИ 9 сентябрдан олиб ташланади.



“ТОЗА ПОЙТАХТ” ТИЗИМИ орқали маҳаллада маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш жараёни рақамлаштирилди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ УРГАНЧ ШАҲРИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Халқ билан мулоқотда халқчил чора топишда маҳаллага таянамиз



Халқимиз учун жамият маҳалладан бошланади. Тўй-маъракамизни маҳалла-қўйсиз тасаввур қила олмаймиз. Инсон бошига тушадиган ҳар неки яхши-ёмон кун борки, қўни-қўшни, маҳалла-қўйга сўянамиз. Ҳаттоки шахсий турмушимизда фавқулотда қарор қабул қилмоқчи бўлсак ҳам, “Маҳалла-қўй нима деркин...” деган андиша билан рўбарў келамиз. Маҳалла, бу — мен, сиз, ҳаммамиз!

Санжар ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Урганч шаҳар бўлими бошлиғи.

Аҳамиятлиси, эндиликда маҳалла халқ билан мулоқот қилишда, каттаю кичикни ўйлантираётган ўткир масалаларга халқчил чора топишда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда давлат идоралари учун ҳақиқий кўмакчи бўлиб борапти. Жумладан, Урганч шаҳридаги мавжуд 40 та маҳаллада ишлар шу тамойил асосида

олиб борилмоқда.

Маҳаллалардаги аҳолининг ижтимоий ҳолатини доимий равишда таҳлил қилиб борамиз. Жумладан, айни пайтда туманда 2 326 нафар ишсиз шахс, 5 137 нафар мигрант фуқаро рўйхатга олинган. Ишсизлар касб-хунарга ўқитилиб, даромадли меҳнатга жалб қилиняпти. Бу жараёнда уларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари ҳисобга олинмоқда.

Бу йил 1 522 та оилани камбағалликдан чиқаришни мақсад қилганимиз. Олимлар “Камбағалликни бартараф этишнинг тўғри ва энг самарали усули — аҳоли

бандлиги даражасини ошириш”, деб ҳисоблайди. Чиндан ҳам, одамлар учун уларга муносиб ва даромадли юқори иш ўринларини яратиш — мақсад сари дадил қадамдир.

Шу мақсадда “Жинговуз” маҳалласида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 33 та оиланинг яшаш шaroити, муаммо ва тақлифлари ўрганилди. Танишувлар натижа-сида 12 та оилга тикув машинаси, 2 тасига компьютер жамланмаси тақдим этилди. 19 та оиланинг ссуда, имтиёзли кредит ҳамда соғлигини тиклаш борасидаги муаммолари ҳал этилди. Худди шундай, “Шодлик” маҳалласида 78 та оила “Камбағал оилалар ре-естри”га киритилган эди. Ҳозир-да барча хонадонлар аъзолари босқичма-босқич иш ўринларига эга бўлишяпти. Хусусан, 20 нафар аёлга субсидия орқали тикув машиналари ажратилди.

Кимдир шаҳар шароитида томорқачилик билан шуғулланиш қийинчилик туғдиради, деб



ўйлаши мумкин. Бироқ Урганч шаҳрида шахсий томорқасида иссиқхона ташкил қилиб, уни даромадли бизнесга айлантирган юртдошларимиз бор. Шаҳарда томорқаси мавжуд 38 минг 351 та хонадон бўлса, уларнинг 249 тасида мўъжаз иссиқхоналар ташкил этилган.

Масалан, “Юқорибўғ” маҳалласида яшовчи Муқаддас Отаева акиси билан бамаслаҳат гул кўчатлари етиштиришни кенгай-тирди. Уч ярим-тўрт сотих кела-диган ихчамгина иссиқхонада ҳозирнинг ўзида 200 минг туп турли хил навадаги гул кўчати пар-варишланмоқда. Етиштирилган гул кўчатларини, асосан, шаҳар кўчаларига экишади. Оиланинг ўртача йиллик даромади 350-380 миллион сўмни ташкил қилади. Маҳалладаги тўрт нафар ишсиз аёлни ҳам иш билан таъминлаган.

Маҳаллага келган кишининг илк нигоҳи ҳудуддаги ободликка, тозаликка тушади. Буни яхши англаган урганчликлар ташаббусни қўлга олиб, ўз ҳовлисини, кўчасини, маҳалласини озода тутишга уринади. Уларнинг бундай хайрли ҳаракати энди “Маҳалла сервис компаниялари” ҳам ҳисса қўшади. Мисол учун, “Шодлик” маҳалласида тажриба тарикасида очилган компания аҳоли ишончини қозониб улгур-ди. Айни пайтда бу ерда 8 нафар ишчи фаолият юритаётган бўлса, аҳолига 31 турдаги хизматлар тақлиф этиляпти. Йил якунигача яна 5 та маҳаллада “Маҳалла сервис компанияси” ташкил эти-либ, 75 нафар камбағал оилалар аъзолари ишга қабул қилинади.

Юқоридагилар жорий йилда олдимизга қўйган вазифаларнинг бир қисми, холос. Маҳаллаларимизда файзу барокат, одамларимизда неқбин кайфият, оилаларимизда фаровонлик, ёшларимизда эса эртанги кунга ишонч ҳиссини мустаҳкамлаш барча режамасабдаримизнинг туб негизидир. Зотан, маҳалла, Президентимиз таъбири билан айтганда, биз барпо этаётган янги жамият — инсон қадри улуғланадиган, ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган, қонун устуворлиги мустаҳкам қарор топ-диган очик ва адолатли фуқаролик жамиятининг асосидир.

ИМКОНΙΑТ

АҲИЛ

“ЕТТИЛИК” ДАН РАҲБАРЛАР ТАЙИНЛАНДИ

Маҳалламиз 2022 йилда ташкил этилган бўлиб, беш минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Худудда 30 та кўп қаватли уй мавжуд. Уларнинг 25 тасидаги хонадонлар уй-жойга мухтож фуқароларга имтиёзли тарзда ажратиб берилган.



Шерзод ЁҚУБОВ,
Урганч шаҳридаги “Нурли ҳаёт” маҳалласи раиси.

Очиғи, яқингача бошқа маҳаллаларга қараганда, бу ҳудудда ижтимоий ҳиммага мухтож оилалар кўп эди. “Маҳалла етти-лиги” аҳилликда ишласа, ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ууддалаш мумкин экан. Ийгин-даги 101 та тadbиркорлик субъектида 436 та янги иш ўрни яратилди. Ўтган йили ишсизлар сони 395 нафарни ташкил қилган бўлса, бүгун-га келиб 43 нафарга тушди. Ижтимоий нафақа олувчилар 153 нафардан 52 нафарга камайди. “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган ҳамда ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш мақсадида маҳалланинг ўзида ўқув маркази ташкил қилинди. Ўқув марказида қўш-ни маҳаллалардан ҳам 700 нафар аёл касб-ху-нарга ўқитилди. Ушбу лойиҳанинг давоми сифатида маҳаллада фаолият юритиб келаёт-ган тadbиркор Ҳайрат Абдуллаев ўз маблага ҳисобига “Замин нонлари” цехи, “Буюртмалар маркази”ни ташкил қилди. Ўқув марказини тамомлаган 25 нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлади.

Маҳаллада ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ривожлантириш, янги иш ўрин-лари яратиш борасида яхши бир тажриба қўлланилди. Кўп қаватли уйлар ертўралари хатловдан ўтказилиб, бўш турган 27 та ертўла тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган 10 нафар тadbиркор, 13 нафар фуқаро, 4 нафар “Аёллар дафтари”га киритил-ган хотин-қизларга ажратиб берилди.

Ушбу ертўлаларда кўзикорин етиштириш, ярим тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш, ком-пьютер хизматлари, тикувчилик, қўл меҳнати билан билан ҳар хил турдаги безаклар ясаш ҳамда логистика маркази ташкил этилиб, жами 193 та янги иш ўрни яратилди. Хусусан, бир неча йил хорижда ишлаб қайтган Олия Ко-милжонова бу ерда кўрпача тикиш, сувенирлар ясашни йўлга қўйди. Натижада рўзғорига ба-рака кирди, ҳозирда 7 нафар шоғирд тайёрлаб, фаолиятини кенгайтириб борапти.

“Маҳалла еттилиги”нинг ҳамжиҳатли-да қилган меҳнатлари эътиборсиз қолмади. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Шавкат Вафоев Урганч шаҳридаги “Инсон” ижтимоий хизмат-лар маркази раҳбари, хотин-қизлар фаоли Хулқар Маҳмудова “Тозабўғ” маҳалласи раиси, ёшлар етакчиси Зафар Мадрахимов Ёшлар ишлари агентлигининг Урганч шаҳар бўлими раҳбари лавозимига кўтарилди. Энди улар “Нурли ҳаёт”даги хайрли ташаббусларни кенг миқёсда татбиқ этмоқда.

Ҳозирда “маҳалла еттилиги” ва фаоллари янги таркибда ҳам шундай ғайрат ва шижоат билан ишлашда давом этаймиз. Асосий мақ-садимиз — “Нурли ҳаёт”ни янада обод қилиш, йигинни камбағалликдан, ишсизлик ва ташқи миграциядан холи ҳудудга яилантиришдир.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ,
СИЗ-ЧИ?

“САВОЛЛАРИМГА ЖАВОБНИ ГАЗЕТАДАН ТОПАМАН”



Дилором ОТАЕВА,
Урганч шаҳридаги “Шодлик” маҳалласи раиси:

— Маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш кўп жиҳатдан биз раисларга ҳам боғлиқ. Халқ билан ишлаганда, уларнинг муаммоларига холос ечим топиб бериш, ўз ҳудудимиз-ни обод масканга айлантириш билан янада ҳурмат ва эътибор қозонамиз. Бу натижаларга эришиш учун эса тинимсиз ўқиб-ўрганишимиз зарур. Айниқса, қонунчилик, тизимда рўй бе-раётган ўзгаришлардан доим хабардор бўлиб туриш жуда муҳим. Шу маънода мен “Mahalla” газе-тасини ўзимга доимий ҳамроҳ қилиб олганман. Ҳар сафар уни қўлимга олиб varaқлаганда, нимадир янгилик оламан. Қидирган саволларимга батафсил жа-воб топаман. Шунинг учун ҳам газете-га обуна бўлишни қанда қилмайман.

МАНЗАРА

Ёшлар оила қуришда балоғатга эмас, камолотга етгани маъқул

Маҳалла ишида тажриба, ўзаро фикр алмашиш муҳим ўрин тутати. Ўзим кўп йиллар давомида оилавий масалалар, соғлом турмуш тарзи, репро-дуктив саломатлик йўналиш-ларида фаолият юритганим боис, энг аввало, оилалар билан ишлашга кўпроқ эътибор қаратаман. Зотан, ҳар қандай масала, ишсизлик, ажралиш, миграция, жиноятчилик бўла-дими, барчаси оилавий муҳит, у ерда қадр топган қадриятлар билан чамбарчас боғлиқ.

Наргиза ШАРИПОВА,
Урганч шаҳридаги “Жинговуз” маҳалласи раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати.

Худуддаги ижтимоий-маъ-навий муҳит барқарор-лиги оилавий ажралишларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки “оила тинч — эл тинч”. Соғлом муҳит қарор топган оилалар юрт қорига ярайдиган, эл хизматига камарбаста фарзандлар-ни тарбиялаб, камолга етказиши. Шу боис ажралишларни камайтириш нафақат судлар масъулиятини, бал-ки кенг жамоатчилик фаоллигини оширишни ҳам талаб этади.

Маҳаллада охириги уч йилда 18 та оилавий ажралишнинг олди-ни олдик. Бу жараёнда жамоатчи-лик аралашуви, хусусан, маҳалла имом-хатиби, отинойи, оқила онахонлар, нуроний отахонлар, намунали ҳамда тadbиркор оила



вакилларининг тажрибаси самара берди.

Мисол учун, битта ҳолатда эр-хотин ишлаш учун хорижга кетган, болалар назоратсиз қолган, оила ажрашиш арафасига келиб қолган. Тезда ташаббусни қўлга олдиқ, энг аввало, ота-онани юртга қайтардик, уларни ўз уйида кичик тadbиркорликка йўналтирдик. Имтиёзли кредит асосида нон ёпиш корхонасини ишга туширдик. Ҳозир-да тинч-тотув турмуш кечириш ба-робарида “устоз-шоғирд” аънанаси асосида ёшларга хунар ўргатмоқда. Бундай мисоллар кўп.

Ажралиш сабабларини таҳлил қилдик, улардан бири — ёшларнинг балоғатга етса-да, камолотга етмай турмуш қураётгани экан. Шу боис ФХДЁ қошида ташкил этилган оила дорилфунунда никоҳга қадар икки ёшни оилавий ҳаётга, ота-она бўлишга тайёрлаш талаб этилади. Шунинг баробарида бўлажак эр-хотин сифатида улар бир-бирининг фeль-атворини ўрганиши учун им-коният яратиш лозим. Мутахассис-лар, хусусан, психологлар орқали ёшларнинг дунёқараши, орзу-ис-

таклари, рўзғор юқини биргаликда торта олишини тестлар, усул ва воситалар ёрдамида аниқлаш ама-лиётини йўлга қўйиш зарур. Айрим ҳолатларда эр-хотин ахлоқий, рухий, маънавий жиҳатдан тайёр бўлмай оила қуради. Рўзғор юқини тортишда феъл-атвордаги манманлик, майда маиший му-аммолардан фоҳиша ясаш, оила бюджети имкониятини инобатга олмай харид қилиш каби нохуш хатти-ҳаракатлар нотинчликка сабаб бўлади. Бу ҳолатда уларнинг дунёқараши, маънавиятини ўзгар-тириш, уларга оила муқаддаслигини англатиш осон эмас. Бироқ ҳар қан-дай муаммога ечим топиш мумкин, фақат бу муайян вақт, эътибор ва масъулият талаб қилади, холос.

“Касалликни даволашдан кўра, олдини олиш осон”, дейдилар. Шу маънода оила қуриш арафасидаги ёшларни ҳам жисман, ҳам маънан оилавий ҳаётга тайёрлаб бориш зарур. Айни йўналишда давлат органлари ва жамоат ташкилотла-рининг ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиши муаммолар ечимининг асосий қалитидир.



МДХ доирасида
жиноятларга қарши
курашишда АХБОРОТ
АЛМАШИНУВИ
ривожлантирилади.



РЕКОРД:
Қорақўл академик
лицейининг 201 НАФАР
БИТИРУВЧИСИ ТЎЛИҚ
ТАЛАБА БЎЛДИ. Уларнинг
191 нафари давлат гранти
асосида талабалikka
тавсия этилди.



Мамлакатимизда
илк бор ТАБИИЙ
ГАЗНИ ТОЗАЛАШ УЧУН
адсорберлар ишлаб
чиқариш йўлга қўйилди.

АНДИЖОН
ВИЛОЯТИ
ХЎЖАОБОД
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

БУНЁДКОРЛИК ИДОРАДАН ТОРТИБ, ХОНАДОНЛАР ҚИЁФАСИГАЧА ЎЗГАРТИРИБ ЮБОРДИ

МАНЗАРА

ДЕХҚОНЧИЛИКДА ҲАМ, ЧОРВАЧИЛИКДА ҲАМ ҚУВОНАРЛИ НАТИЖАЛАР КўП

Маҳалла тизимида иш бошлаганимга ҳали кўп бўлмади. Яқинда ўтказилган сайлов жараёнларида халқимиз мени шу лавозимга лойиқ, деб топди.



Абдуллажон АНОРБОВЕВ,
Хўжаобод туманидаги “Уч кўча” маҳалласи раиси.

Аввалига одамларнинг билдирган ишончидан жуда хурсанд бўлдим. Лекин биринчи марта идорага кирар эканман, зиммамга қанчалик катта масъулият юклатилганини ич-ичимдан ҳис қилдим. Худудимиздаги ҳар бир аҳоли вакили ҳаётига дахлдорлик туйғуси сабаб тинимсиз меҳнат қилишим кераклигини тушуниб етдим.

Ишни хонадонларни айланишдан бошладим. Фуқаролар билан суҳбатлашиш, уларнинг қувончи ва дарду ташвишларини тинглаш жараёнида янги режалар тузишга киришдим. Билдирилган таклифлар бунёдкорлик ишларини муносиб тарзда давом эттиришимга замин яратди. Қолаверса, қийналган, маслаҳат ва йўл-йўриққа муҳтож бўлган вақтимда маҳалламизнинг нурунийлари кўмак беришдан чарчамаяпти.

Худудимиз “драйвери” — деҳқончилик ва чорвачилик. Аҳоли вакилларининг 80 фоиздан кўпроғи 6–8 сотихли томорқаларида эрта баҳор помидор, булғор қалампери, баклажон каби сабзавот кўчатлари етиштириб сотади. Кейин ўзлари ҳам ҳар қарич ердан унумли фойдаланиб, турли полиз экинлари екиш билан машғул бўлади. Айримлари икки-уч қайтадан ҳосил олишни яхши удаляяпти. Шу баробарда қорамол ва қўй боқиб, рўзгорига барака киритаётганлар ҳам анчагина.

Сойиб Самадов шундай тиришқоқ маҳалладошларимиздан. Отахон нафақа ёшига яқинлашиб қолган бўлишига қарамай, туну кун меҳнат қилиб толмайди. Икки фарзанди учун ижара асосида берилган 30 сотихли майдонга биринчи экин сифатида пиёз ва саримсоқпиёз уруғларини сепади. Ҳосилларни йиғиб олгач, ерга қайта ишлов бериб, шолғом, турп ва картошка экади. Бундан ташқари, тўртта қорамол ва бир нечта қўйини ҳеч кимга ишонмайди. Ақлини танигандан буён ҳалол меҳнат қилиб келаётган бу киши ёшларга ўз билим ва малакасини ўргатишдан сира эринмайди.

Шу кунларда худудимизнинг етти гектар майдонида бунёд этилаётган футбол стадионининг қурилиш ишлари якунига етиш арафасида. Бу мустақиллигимизнинг 34 йиллиги арафасида ёшларимиз учун ажойиб тўхфа бўлишига ишончим комил.

Маҳалламизда амалга оширилган ишлар қатори ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Айтилик, чекка худудда жойлашган бир неча хонадонларга ичимлик сув етиб бормаган. Бундан ташқари, 30 дан ортиқ электр устунларни янгисига алмаштириш керак. “Еттилик” вакиллари билан астойдил ҳаракат қилиб, шу каби масалаларни ҳал қилиш учун тиним билмаяпмиз.

Миграцияда юрган 78 нафар фуқаро билан доимий мулоқот ўрнатилган. Ҳар бирининг ҳол-аҳоли, топаётган даромадидан хабардормиз. Хусусан, Ислон Анорбоев ва унинг oilаси билан олиб борилган давомий суҳбатлар жараёнида кекса ота-онаси парварishiга муҳтожлиги маълум бўлди. Вазиятни юмшатиш мақсадида йигитни юртимизга қақариб, чорвачилик асосида даромад топишга ёрдам беряпмиз.

Қиска муддатли тажрибамга таяиб айтишим мумкинки, агар аҳолига кўмак манзилли тарзда қўрсатилса, натижа биз кутганимиздан анча яхши бўлади. Шундай экан, ҳар бир фуқаронинг шароити ва турмуш тарзидан доим бохабар бўлиш энг муҳим вазифамиздир.

Кенг ва ёруғ хонада ишлашга нима етсин. Айниқса, маҳалла идораси замон талаби асосида жиҳозланган бўлса, аҳоли муаммоларини ҳал қилиш янада осон кечади. Шу ҳақиқатни англаган ҳолда худудимиздаги эскириб қолган маҳалла биноларини янгилашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Хусусан, жорий йил бошидан буён 12 та идорани тўлиқ таъмирдан чиқаришга эришдик. Барчаси керакли техника ва жиҳозлар билан таъминланди.

Адҳамжон МАДРАҲИМОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюмчаси Хўжаобод туман бўлими бошлиғи.

Бунёдкорлик ишлари аҳоли хонадонларида ҳам жадал олиб борилмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган ҳамда ногиронлиги бўлган фуқаролар истиқомат қиладиган 28 та хонадоннинг таъмирлаш ишлари якунига етказилди. Бундан ташқари, 12 та оила учун 5 сотихли иссиқхона қуриб берилди. Ҳозир улар ерга уч қайта экин экиб, яхшигина даромад олишни бошлаган. Меҳнат қилишга иштиёқи



баланд, лекин шароити оғир бўлган 16 хонадонга томорқадан унумли фойдаланиши учун керакли жиҳозлар, кўчат ва уруғлар етказиб берилди. Баҳорда бошланган бу хайрли амал ҳали ҳам давом этиб келмоқда.

Аслида, кичик кўмак билан оёққа туриши мумкин бўлган фуқароларнинг камбағал ҳолда турмуш кечириётгани ачинарли. Амалда шу каби ҳолатларни аниқлаб, зарурий чоралар қўриляпти. Натижада “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да турган oilаларнинг барчаси ишли ва даромадли бўлди.

Тўртта маҳалла худудида 7,5 км. пидёлалар юриш йўлагига бетон ётқизилди. Бу аҳоли

қулайлиги ва хавфсизлиги учун хизмат қилмоқда. Ҳар бир қурилиш ва янгиланишлар халқимизни кўнглини тоғдек кўтараятгани биз учун ҳам қувонарли.

Жорий йилнинг ярим йиллик кўрсаткичига кўра, худудимиздан хорижий давлатга кетганлар 7 254 нафарни ташкил этган. “Еттилик” вакиллари мигрантлар ва уларнинг oilа аъзолари билан мунтазам равишда суҳбатлашиб, ҳол-аҳолидан хабардор бўлиб турибди. Хатлов жараёнида юртимизга қайтганлар 114 нафар экани аниқланган. Уларни қизиқишидан келиб чиқиб, бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тумандаги 39 та маҳаллада

28 та йўналиш бўйича “Сайхун-обод” тажрибасини амалга ошириш ишлари жадал давом этапти. Натижа биз кутганимиздан анча яхши. Одамлар янги соҳаларни ўрганияпти, тажрибаси ортияпти. Энг муҳими, меҳнат қилиб, вақтини мазмунли ўтказаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 25 июлдаги қарорига кўра, “Хидирша” маҳалла фуқаролар йиғини худудиди “Маҳалла сервис компанияси” ташкил этилиши учун ажратилган ер майдони ўрганиб чиқибли, лойиҳалар тайёрланда. Ўшбу компанияга тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар орасидан муносиби раҳбар сифатида танлаб олинди.

Маҳаллада амалга оширилаётган ҳар бир иш халқ фаровонлиги, юрт равнақи учун хизмат қиладди. Шундай экан, бу йўналишда ўзгаришлар қилиш, янги ташаббусларни йўлга қўйиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

ТАЖРИБА

Аввал ибрат бўлмасангиз, интилиш наф келтирмайди

Имкон қадар кўпроқ вақтимни маҳаллада ўтказишга ҳаракат қиламан. Одамлар билан гаплашсам, қайсидир муаммоларини ҳал қилишга ҳиссам қўшилса, мендан бахтли инсон йўқ.



Табассум ЮСУПОВА,
Хўжаобод туманидаги “Файзобод” маҳалласи раиси.

Аслида, раислик менга отамерос иш, десам ҳам бўлади. Дадам бир неча йил шу йўналишда фаолият юритиб, халққа йўлбошчилик қилган. Улардаги фидойилик, аҳоли манфаатларини ўзиникидан устун билиш, ҳар бир топшириқни виждонан адо этиш каби жиҳатлар бугун асосий қоидаларимга айланган.

Маҳалла тизимида 2018 йилдан буён ишлаб келаётган бўлсам, қўриб, эшитиб, ўқиб, ўрганиб тажрибам ортиб борапти. Биринчи навбатда, худудимиз ободлигига эътибор қаратяпмиз. Озода ва файзли кўчаларимиз келган меҳмонларнинг ҳам баҳри дилини очади. Қолаверса, маҳалламиздаги қабристонда катта таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу жараёнда кўнгиллилардан ташкил топган

“Соғлом фикрли ёшлар” гуруҳи жонбозлик кўрсатишди. Уларнинг ёрдами билан ҳар уч кунда 14 миллион сўмгача хайрия пулларини йиғишга эришдик. Ҳатто, хорижий давлатда яшаётган маҳалладошларимиз ҳам қўлдан келганча қўллаб-қувватлашди. Тадбиркорларни-ку, айтмаса ҳам бўлаверади. Шу зайдда қабристонга борадиган йўллар, ичкаридаги кичик йўлақлар тўлиқ асфальт қилинди. Тунги ёриш чироклари ўрнатилгач, кеча билан кундузни фарқлаб бўлмай қолди. Гул ва дарахт кўчатлари билан маскан янада соя-салқин тус олди.

Айни вақтда худудимизда 4 076 нафар аҳоли истиқомат қиладди. Кўпчилик деҳқончилик ва боғдорчилик билан банд. Боғбонларимиз, асосан, олма, узум ва гилос етиштириш билан шуғулланади. Йиғиб олинадиган ҳосил сара ва тўлиқ бозор талабларига жавоб беради. Ҳатто, қўшни давлатларга экспорт қилишга ҳам эришяпмиз. Нуридин Абдурахмонов

“Zamon textil” ишлаб чиқариш корхонаси асосчиси. У 2015 йилдан буён соҳа ривожига учун муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Тўқувчилик, бўяш ва тикувчилик фабрикаларида мингдан зиёд иш ўринлари яратилган. Хотин-қизларнинг кўпчилиги шу ерда меҳнат қилиб, даромад топяпти.

Ҳар бир маҳалланинг шундай ишбилармон ва изланувчан тадбиркорлари бўлгани қандай яхши. Улар “еттилик” вакиллари бошлаган ишда доимий кўмакдош. Айтилик, жорий йилда 450 та хонадонни тоза ичимлик сув билан таъминлайдиган қудуқнинг қазииш жараёнида ҳам шу каби саховатпеша кишиларнинг ёрдами катта бўлди. Келгуси йилда ана битта шундай қудуқ қазииш режалаштирганимиз. Шунда аҳолини тўлиқ ичимлик сув билан таъминлаган бўламиз.

Қиламан, деган одамга иш топилаверади. Ҳали мактаб олдида қўшимча бино қуришимиз керак. Маҳалла идораси ва табиёт пунктини тўлиқ таъмирлаш зарур. Хуллас, юрт ободлиги ва фаровонлиги учун ҳиссамиз қўшилса, хурсандмиз.

Ўрни келганда, айрим мулоҳазаларимни ҳам билдириб ўтмоқчиман. Ким, қаерда, қандай лавозимда фаолият юритишдан қатъи назар, чин юракдан меҳнат қилиши керак. Айтилик, раис хонасидан чикмай, бошқаларга буйруқ бериб ўтирса, ҳеч бир иш кўнгилдагидек битмайди. Қачонки, ҳамма бирдек жон қуйдирса, ўша ерда ўсиш ва ривожланиш кузатилади.

Яна бир масала, ҳозир худудларда йўлга қўйилган “еттилик” тизимига, назаримда, уюшқоқлик етишмаяпти. Энди бир ишни астойдил бошлаймиз, деганда кимнидир тумандаги раҳбари қақариб қолади. Шу муаммога ечим сифатида жадвал ишлаб чиқишлигини таклиф қилмоқчиман. Ходимлар ҳафтанинг қайсидир кунлари фақат маҳаллада бўлса, бошқа кунлари раҳбариятнинг топишириқларини бажаришга жалб этилса, режани ҳам шунга кўра тузган бўлардик.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ,
СИЗ-ЧИ?”

“MAHALLA” — ЭНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИМ!



Раҳматилло ҚОБУЛОВ,
Хўжаобод туманидаги “Чимболок” маҳалласи раиси:

— Маҳаллада ишлаш, бу — ўша ерда истиқомат қиладиган ҳар бир фуқаро билан ҳамнафас яшаш демак. Бунинг учун эса билим ва тажриба талаб этилади. Адашганга йўл кўрсатиш, қийналганга кўмак бериш қўл учиди қилинадиган ишлар эмас. Аксинча, бутун борлигимизни бағишлаб, меҳнат қилиш керак бўлади. Шундай мураккаб ва масъулиятли вазифани адо этишда “Mahalla” — менинг ишончли ҳамкоримга айланган.

Газета саҳифаларини ва раққлар эканман, ўзимни қизиқтирган барча саволларга жавоб топаман. Ҳамкасбларимнинг билдирган фикр-мулоҳазалари янги тажрибаларни амалда қўллаб қўришимга туртки беради. Мақолаларда билдирилган таклиф ва тавсиялар секин-аста амалга ошиб бораётганини қўриб, матбуотнинг жамият ривожига қанчалик муҳим аҳамият қасб этишига гувоҳ бўляпман. Мен ҳар йили “Mahalla”га биринчилар қаторида обуна бўламан.



2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикаимиз бўйича 95 МИНГ 275 ТА НИКОҲ ТУЗИЛДИ.



Фермерларга пахтани териб олиш учун ҲАР БИР ТОННАСИГА 1 МИЛЛИОН СЎМДАН субсидия берилади.



Эндиликда тўқимачилик занжиридаги барча корхоналарга ИЖТИМОЙ СОЛИҚ СТАВКАСИ 1 ФОИЗ ҚИЛИБ белгиланади.

Mahalla

№66 | 2025 ЙИЛ 16 АВГУСТ, ШАНБА

7

ТОШКЕНТ
ШАҲРИ
БЕКТЕМИР
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Нуронийси фаол маҳаллада ёшлар мақсадсиз юрмайди



МАНЗАРА ●●●●●

Бугунги кунда туманимизда аҳоли сони 76 минг 869 нафарни ташкил этиб, жами хонадонлар 18 минг 997 та, оилалар 26 минг 607 тадан иборат.

Орифжон АЛИҚУЛОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бектемир тумани бўлим бошлиғи.

Худуддаги 18 та маҳаллада аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, ёшлар билан ишлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини самарали ташкил этиш йўналишларида кўп-лаб ишлари амалга оширил-моқда.

Бунда дастлаб аҳолининг демографик ва ижтимоий ҳолати, таълим, ижтимоий соҳа объектиларига доир жами 10 та йўналиш, 85 та кўрсаткич бўйича 18 та

маҳалланинг баланси шакл-лантирилди. Шу асосда туманда умумий 557 нафар ишсиз фуқаро мавжудлиги, 1 542 минг нафар кишининг хорижга ишлаш учун кетгани аниқланди.

Бугунги кунга қадар тумандаги барча маҳаллалар ихтисослашуви ўрганилиб, янги “ривожланиш нуқта”лари қайта кўриб чиқилди. Шунга мувофиқ, ҳудудларни ишсизлик, камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида бир қатор ишлар олиб борилди. Жумладан, “еттилик” аъзолари ташаббуси билан жорий йилнинг январь-июль ойларида 557 нафар ишсиз фуқарони ишга жойлаштириш режаси

қўйилган, амалда 613 нафар ишсизнинг бандлиги таъминланди.

Ўтган 6 ой давомида “Иқбол” ва “Соҳил” маҳаллаларида 1,53 кв.м. пиёдалар йўлагига қуриб битказилди. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 20 та янги темир бетон устунлар ўрнатиш ишлари олиб борилди.

Иш унумдорлигини ошириш мақсадида маҳаллаларга 27 та ҳамда профилактика инспекторларига 15 та замонавий компьютер тўпламлари топширилди.

“Атроф муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт йили” деб номланган мазкур йилда “Обод ва файзли маҳалла — юрт кўрки” шиори остида ҳафтанинг шанба кuni — тозалик кuni, деб белгиланган. Жараёнда кўчаларни супуриш, тартибга келтириш, экилган кўчатларни суғориш, парвариш қилиш ишларига аҳоли кенг жалб

этиб келинмоқда. Уюш-қоқлик билан ўтказилган ҳашарлар давомида ҳудудлардаги 3 та қабристон, 188 та кўча, хиёбон, ариқ ва зовурлар тозаланиб, янада обод масканга айланмоқда.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман бўлими ҳамда “Нуроний” жамғармаси ташаббуси билан Ёшлар

ишлари агентлиги ва бошқа манфаатдор идора ва ташкилотлар ҳамкорликда фахрий нуронийлар, ўрта авлод вакиллари ҳамда ёшлар иштирокида “Уч авлод учрашув”лари ташкил этиляпти. Ушбу тадбирларга 400 нафардан зиёд кекса ва ўрта авлод вакиллари, 1 150 нафар ёшлар, 10 нафар ёзувчи, шоир, олим, санъаткор ва зиёлилар, 2 нафар давлат мукофотлари соҳиблари, 155 нафар спортчи, хунарманд, йирик корхона раҳбарлари қамраб олинди.

“Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойилига мувофиқ, маҳаллалардаги фаол 52 нафар нуроний 214 нафар уюшмаган ва муаммоли ёшлар билан тарбиявий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда якка тартибда суҳбатлар ўтказиб келяпти. Натижада уларнинг 55 нафари ишга жойлаштирилди, 45 нафари турли касб-хунарга йўналтирилди, 35 нафари профилактик рўйхатдан чиқарилди. Рўйхатдаги қолган уюшмаган ёшлар билан нуронийлар ишлашда давом этмоқда.

Шу кичик бир тажриба мисолида кекса авлод вакилларининг фарзандларимиз тарбиясида қанчалик муҳим ўрин тутишини яққол кўриш мумкин. Келгусида бу каби лойиҳалар кўламини янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.



●●●●● БИР НАЗАР

Маҳалла — яхлит бир оила демак!



Маҳаллада фаолият бошлаб, инсонлар дардини бир бор қалбдан ҳис қилган одам бу тизимдан кета олмай қолар экан. Мана, мен ҳам 2006 йилдан буён аҳолининг мушкуллари осон қилиш, қийналганларга кўмак бериш илнжида юрибман. Маҳаллани яхлит бир оилага ўхшатган бўлардим. Ўртадаги меҳр-оқибат, ҳамдардлик туйғуси, қўни-қўшничилик анъаналари йиллар давомида қадрият сифатида эъзоз топиб келмоқда.

Маҳсума СОДИҚОВА,
Бектемир туманидаги “Иқбол” маҳалласи раиси.

Хар тонг уйғонар эканман, ўзимнинг ташвишларим ҳаёлимга келмайди. Аксинча, қайсидир оиладаги келиш-мовчиликни бартараф этиш, кеча ёрдам сўраб келган тадбиркорга йўл-йўриқ кўрсатиш каби масалалар кўз олдимда гавдаланади. Шу ўй-фикрлар билан идорага қандай етиб борганимни билмай қоламан.

Эшик олдида кутиб ўтирган фуқароларни навбат билан қабул қилар эканман, уларнинг ҳар бири билан феъл-атвори ва қайфиятидан келиб чиқиб мулоқот қилишга чоғланаман. Бундай вақтда раисдан ўта зийрак бўлиш талаб қилинади. Айрим вақтлар мурожаатчининг битта гапидан нима демокчи экани маълум бўлади. Лекин баъзи кишилар билан соатлаб суҳбат қуришга тўғри келади.

Айни вақтда маҳалламизда 3 642 нафар фуқаро истикомат қилади. Худудимизнинг катта қисми кўп қаватли уйлاردан иборат. Табиийки, ижарада туриш учун келганлар ҳам анчагина. Шу боис “еттилик” вакиллари тез-тез аҳоли хонадонларига ташриф буюришга одатланганмиз. Бу билан бохабарлигимиз ортиб, янада сергак бўламиз. Рўй бериши мумкин бўлган қонунбузулиш ҳолатлари ва жиноятчиликнинг олдини олишга ҳаракат қиламиз.

Хонадонма-хонадон юришининг яна бир афзал-лик тарафи, қайси оилада вазият қандайлигини билиб тураемиз. Айниқса, низоли, ажралиш ёқасидаги ёш келин-куёвларга тушунтиришлар берамиз. “Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш” комиссияси ҳамда нуронийлар ёрдами билан йилнинг шу даврига қадар учта оилани яраштиришга эришдик. Лекин фарзандсизлик сабаб иккита ажралиш қайд этилди.

Фаолиятимиз давомида аҳоли бандлиги ва уларни тадбиркорликка жалб қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келяпмиз. Айниқса, касб-хунарга эга бўлмаган хотин-қизларни мониторингга жалб қилиб, тикувчилик, сартарошлик, компьютер саводхонлиги курсларида тахсил олишишга етарлича шарт-шароит яратилган.

Мухтабар Азизова 2020 йилдан бери тадбиркорлик қилиб келади. Аввалига субсидия ва имтиёзли кредитлардан бошланган бизнес бугун анча ривож топган. Алоҳида бинода 3 нафар хотин-қиз замонавий услубдаги кўрпа, кўрпача ва ёстиқлар тикиб, яхшигина даромад топяпти.

Бир сўз билан айтганда, маҳалламизда халқ фаровонлиги учун қилинаётган ишлар кўла-ми кундан-кунга кенгайиб борапти. Йил якунига қадар иккита кўп қаватли уй олдини асфальт қилдиришимиз керак. Атрофни кўкаламзорлаштириш учун айрим ҳудудларга суғориш тизимини тортиш кўзда тутилган.



●●●●● МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

“Маҳалладаги ишни мутолаадан бошлайман”

Маҳалла раислиги сайланганимга уч ой бўлди. Шу вақт ичида халқ орасига кириб хонадонма-хонадон хатлов қилиб, “еттилик” билан бирга аҳолининг ичимлик сув, канализация ва электр энергияси бўйича муаммолари борлигини аниқладик. Марказий кўчаларда болалар ўйингоҳи, сайилгоҳлар йўқлиги, спорт мажмуасига эҳтиёж катталиги маълум бўлди.

Бахтиёр ТЎРАЕВ,
Бектемир туманидаги “Нурли йўл” маҳалласи раиси.

Халқнинг бу каби муаммоларини ҳал қилиш, уларнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлашда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг аҳамияти жуда катта. Улар сабаб маҳаллалар гуллаб-яшнаяпти. Хусусан, жорий йилнинг шу даврига қадар кўчаларимизга тўлиқ тарзда тунги чироқлар ўрнатилди. 69-сонли оилавий поликлиника қурилди. Кўчалар асфальтлаштирилди, ичимлик сув олиб келинди.

Лекин бароз кўштирноқ ичида маъсуллар қарорлар ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўяётгани дилни бироз хира қилади. Агар ҳар бир халқ ишонч билдирган ходим топириклари ўз вақтида бажарса, ҳеч кимнинг ҳеч қандай муаммоси қолмаган бўларди.



Маҳалладаги масъулиятли вафизамни адо этиш учун мутолаани қанда қилмайман. Ҳар кuni идорага келиб, ишни бир пиёла чай устида газета ўқишдан бошлайман. Бу машғулот фаолиятимни мазмунли ташкил этишимга ёрдам беради. Қолаверса, “Mahalla” газетасида берилган тизим ҳаётига оид мақолаларни мутолаа қилиб, кўплаб саволларимга жавоб оламан. Кейинги сонларда ҳудудлардаги муаммоли масалалар ҳам бериб борилишини истардим.

Интернет ривожланган, ахборотлар оқими кучайган даврда яшаймиз. Ҳаммининг қўлида телефон. Янгилар шиддат билан тарқаяпти. Бир қарашда биз учун шунинг ўзи кифоядек кўринади. Лекин барчаси юзаки ахборотлар, холос. Ҳеч бирида таҳлил йўқ. Бирор соҳада ўсиш ва ривожланиш бўлиши учун мутахассисларнинг таълим ва мулоҳазалари сув ва ҳаводек зарур. Тармоғимиз наشري саналган “Mahalla” бизга шундай имкониятни тақдим этяпти. Бундан унумли фойдаланиш мақсадида мунтазам равишда унга обуна бўляпмиз.

●●●●● ФОТОКЎРГАЗМА

СУРАТЛАРДА ДЎСТЛИК ВА УЗВИЙ ҲАМКОРЛИК АКСИ

Тошкент Фотосуратлар уйида “Ўзбекистон – Хитой: ШХТ доирасида ҳамкорлик” мавзусида фотокўргазма ва танлов ўтказилди.

Фотокўргазма Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси Фарғона вилояти бўлими ва “Фарғона ҳақиқати” – “Ферганская правда” газеталари тахририяти томонидан Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмағида ташкил этилди. Унда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан фотожурналистлар ўз ижодий ишлари билан иштирок этди.

Фотокўргазма ва танловда иштирок этиш учун фотожурналистлар иқтисодий ва маданий соҳалардаги Ўзбек-Хитой ҳамкорлиги самараларини акс эттирувчи фотосуратларни тақдим этишди. Уларда инфратузилма, савдо-иқтисодий, транспорт ва логистика, саноат кооперацияси, маданий-гуманитар ҳамда илм-фан соҳаларидаги ҳамкорлик алоқалари ўз аксини топди.



Очилиш маросимида танлов ғолиблари аниқланиб, диплом ва совғалар билан тақдирланди. Ҳайъат танлаб олган фотосуратлар 15-22 август кунлари Тошкент Фотосуратлар уйи кўргазма залида намойиш этилади.



Ўсмирларимиз
16-23 август
кунлари Колумбияда
ўтказиладиган Бутунжаҳон
шахмат олимпиадасида
ЎЗБЕКИСТОН ШАРАФИНИ
ЎИМОЯ ҚИЛАДИ.



Россияда бўлиб
ўтадиган клублар
ўртасидаги “АЁЛЛАР
ДЗЮДО ЛИГАСИ”да
“Saber” жамоаси
Ватанимиз номидан
қатнашади.



Андижоннинг
Хонобод шаҳрида
“ETNO STRONGMAN
GAMES” – Баҳодирлар
ўйини бўйича жаҳон
кубоги мусобақаси
бўлиб ўтди.

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

СОҒЛОМ ТУРМУШ САРИ

“МАҲАЛЛА ЛИГАСИ”:

Жўшқинлик, ҳамжиҳатлик ва дўстлик тантанаси

Давом. Бошланиши 1-саҳифада.

Фарғона шаҳридаги “Само” спорт мажмуасида ташкил этилган мусобақаларда вилоятдаги энг илғор, чаққон, зехни ўткир аҳоли вакиллари ғолиблик учун баҳс юритди. Ҳар бир спорт тури юқори рақобат муҳитида ўтди. Яккалик баҳсларида қатнашчиларнинг маҳорати синовдан ўтган бўлса, жамоавий баҳслар ҳамжиҳатлик, бирдамлик намоёишига айланиб кетди. Яқунда етти-та йўналиш бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

— Бундай мусобақалар танамизни соғлом қилиш билан бирга, кайфиятимизни кўтариб, маҳаллада ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини ҳам яратади, — дейди стол тенниси бўйича ғолиб, Фарғона шаҳридаги “Илғор” маҳалласидан Гули Усмонова.

— Очиғи, кўпдан бери бола тарбияси, рўзғор ташвишлари билан овора бўлиб, жамиятда фаоллиги сусайган уй бекалари учун шундай турнирча эҳтиёж сезилаётганди. Мусобақалар орқали нафақат баҳслашдик, балки бошқа маҳаллалар, туман (шаҳар)лардаги аёллар билан танишдик, ўзаро суҳбатлар кўрдик. Маҳалладошларимиз билан янада мустақкам алоқаларни йўлга қўйдик.

Навоий шаҳридаги “Кимёгарлар” спорт мажмуа-



сида бўлиб ўтган вилоят босқичида иштирокчилар нафақат ўз маҳоратини намоёиш этди, балки соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жамоавий ҳамжиҳатликни кучайтириш ва маҳаллалар ўртасида дўстона муносабатларни мустақкамлашга ҳам катта ҳисса қўшди.

Жиззах вилоятида ташкил этилган мусобақаларда турли спорт турлари бўйича маҳаллаларни бирлаштирган жамоалар ўзаро куч синашди. Тадбир давомида соғлом турмуш тарзи, жа-

моавийлик, спортга бўлган қизиқиш ва юксак руҳда рақобат муҳитини яратиш каби ижобий жиҳатлар намоён бўлди.

— Соғлом турмуш тарфи-ботида “Маҳалла лигаси” мусобақалари муҳим ўрин тутди, — дейди шахмат бўйича ғолиб, бахмаллик Шерзод Сиддиқов. — Одатда, 30 ёшдан кейин кўпчилик спорт билан шуғулланишни қамайтиради, бироқ бу — нотўғри. Имкон қадар жисмоний ҳаракатларни сусайтирмаслик керак. Ишда ҳам, уйда ҳам, кўчада ҳам



“Маҳалла лигаси”нинг ҳудудий босқичлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юқори савияда ташкил этилди.

соғлом турмуш тарзига риоя қилиш касалликлардан сақлайди, семизликдан асрайди. “Маҳалла лигаси” орқали маҳалламизда кўплаб спорт турлари бўйича машғулотлар йўлга қўйилди, қизиқувчилар сафи кенгайиб борапти. Ҳатто аёллар ҳам ўз маҳоратини ошириб борапти.

Умуман олганда, “Маҳалла лигаси” спорт мусобақалари аҳоли ўртасида соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш, ҳудудлараро дўстона алоқаларни мустақкамлаш, маҳаллаларда спортни кенг тарғиб қилишга хизмат қилди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ўткирбек АБДУРАҲМАТОВ.
Гулистон тумани:

— Телефон савдоси билан шуғулланман. Гоҳида мижоз хоҳишига кўра, бўлиб тўлашга сотаман. Айрим харидорлар насия савдо қилиб, пулини бир ёки икки ой тўлагандан кейин телефонни қайтариб беради. Шу қунгача тўлаган пулимга розиман, қолганига қурбим етмади, дейди. Шу ҳолатда ундан олган пулимни қайтариб бермай, телефонни олиб қолсам бўладими?

НАСИЯГА СОТИЛГАН МАҲСУЛОТ ҚАЙТАРИЛСА...



Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази:

— Шариятга кўра, тузилган савдони бузиш “иқола” дейилади. Бу иш икки томоннинг розилиги билан бўлади ҳамда сотилган маҳсулот сотувчига, тўланган пул харидорга қайтарилади.

“Иқола” биринчи (берилган) маблағ миқдори билан тўғри бўлади” (“Фатҳи бобил иноя” китоби). Яъни икки томон неча пулга келишган бўлса, ана шу пул миқдорида бекор бўлади. Сотувчи бундан ортиқ ёки кам олиши мумкин эмас.

Савдо бекор бўлиб, харидорга тўлаган пули, сотувчига товар қайтарилгандан кейин, ҳеч қандай мажбурлашсиз, харидор ўзи рози бўлиб, маблағ бериб кетса, бу дуруст. Чунки мол эгаси уни хоҳлагандек тасарруф қила олади. Лекин сотувчи бу ҳадяни босим ўтказиб олмаслиги лозим.

Сиз бу ҳолатда: “Мен телефонни сизга сотганман. Пулини тўлай олмаётган бўлсангиз, сотиб, келишилган муддатда пулимни тўланг”, дегн ёки “Мен сизнинг вакилингиз сифатида сотиб бераман, камини берасиз, кўп бўлса, қайтараман”, мазмунда таклиф айтинг. Шунда зарар кўрмайсиз, харидор ҳам қарзидан қутилади.

Юқоридаги гаплар харидор маҳсулотга ҳеч қандай айб етказмасдан қайтариб келган ҳолатга тегишли. Агар маҳсулотни айби билан қайтариб келса, ўша зарар миқдорини ҳолис савдогарларга баҳолатилади. Улар “айб етиши туфайли телефоннинг нархи фалон сўм пастлаган”, деб баҳоласа, сотувчи “иқола” пайтида ўша миқдорни ушлаб қолади. Қолган пулни қайтариб беради.

Сувни тўғри ичишни ўрганинг!

Ёзда чанқоқ ҳиссини йўқотиш учун кўп сув ичамиз. Унинг фойдали бирикмалари танамизга сингиши учун тўғри ичиш қоидаларига амал қилишимиз керак.

Мутахассислар тавсиясига кўра, эрталаб оч қоринга 200 мл. илик сув (бунда сув иссик ҳам, совуқ ҳам бўлмаслиги, ютганда ёқимли бўлиши керак) ичиш лозим.

Кун давомида 8 пиёла атрофида, ҳар 1-2 соатда 200 мл.дан ичиш энг маъқул меъёрдир. Ҳазм тизими

касалликлари бўлмаган инсонларга лимонли сув ичиш тавсия этилади.

Ҳар гал таомланишдан 20 дақиқа олдин бу ишни бажариш сув истеммоли учун қулай вақт ҳисобланади.

Кечқурун ухлашдан олдин илик сув ичиш тўқлиқ ҳиссини оширади. Эрта тонгда илик сув ичиш танани

тетиклаштиради, моддалар алмашинувини яхшилайд.

Овқатланиш вақтида сув ичиш тавсия этилмайди. Шунингдек, оч қоринга ичилган сув муздек бўлмаслиги лозим. Уни нотўғри истемол қилиш турли хил шимшлар ва семиршга олиб келади.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Кузда қандай касалликлардан сақланиш керак?

Куз фасли кириб келишига оз фурсат қолди. Бу мавсум алмашиш жараёнида инсон танаси турли касалликларга мойил бўлиб қолади. Масалан, аллергия касалликлар кучаяди. Кузги аллергия август ойининг бошидан, ноябрь ойининг охирига қадар давом этади.

Илмира РОЗИҚОВА,
Республика ихтисослаштирилган
аллергология ва клиник
иммунология илмий-амалий
тиббийет маркази директори.

Мавсумдаги сурункали касалликларнинг бири — аллергия ринит. Статистик маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг тахминан учдан бир қисми ушбу хасталикка чалинган.

Аллергия ринит бурун шиллиқ қаватининг яллиғланиш касаллиги бўлиб, иммунитетнинг турли аллергенларга қарши ўта кучли жавоб реакцияси натижасида юзага келади. Тез-тез аксиреш, бурун оқиши, битиши, кўзлар қизариши ва қичиши каби белгилар кузатилади. Ирсий мойиллик асосий омил ҳисобланади.

Бу хасталик мавсумий — баҳор ва куз фаслларида авж олиши ёки сурункали, яъни йил давомида кузатилиши мумкин. Кўпинча аллергия ринит конъюнктивит, бронхиял астма, атопик дерматит каби бошқа касалликлар билан бирга кечади.

Аллергия ринитни вазомотор ринит, ўткир респиратор вирусли инфекция ва анатомик нуқсонлар туфайли келиб чиққан белгилардан фарқлаш учун шифокор беморнинг касаллик тарихини чуқур ўрганиб, қатор текширувлардан ўтказиши. Жумладан, агар аломатлар маълум ўсимликларнинг гуллаш даврига мос келса, бу — мавсумий аллергия ринит. Агар ҳолат доимий тус олса ва аллергияни аниқлаш қийинчилик туғдирса, сурункали ринит ҳисобланади. Шунингдек, бурун шиллиқ пардаси ҳолатини ўрганиш учун отоларинголог томонидан риноскопик текширув ўтказилади. Аниқ ташхис қўйиш учун қоннинг умумий таҳлили, бемор териси ва бурун шиллиқ қаватидан намуна олинади.

Аксарият ҳолларда енгил шаклдаги аллергия ринит антигистамин дорилар ёрдамида да-



воланади. Хасталик оғир шаклда кечса, умумий даво белгиланади. Агар дори воситаларига қарши кўрсатма ёки улар самарасиз бўлса, беморга аллергия экстракти до-

засини босқичма-босқич ошириб, тери остига юбориш буюрилиши мумкин. Бу амалиётни бронхиял астма ва юрак-қон томир тизими касалликлари бўлган беморларда

бажариш мумкин эмас.

Агар даволаш самара бермаса, бурунда доимий шиш ва нафас олишнинг қийинлашиши билан боғлиқ ҳолатларда отоларинголог кўрсатмасига кўра, жарроҳлик амалиёти белгиланиши мумкин.

Мавсумий аллергия ринит айна кузда кўзгалишининг сабаби шундаки, бу вақтда ҳавода замбуруғ споралари, ўсимликлар чанги кўп миқдорда бўлади.

Одатда, бу хасталик инсоннинг кундалик ҳаётига жиддий таъсир қилмайди, аммо оғир шаклда кечса, уйқунинг бузилиши, иш қобилиятининг пасайиши каби аломатлар кузатилиши мумкин.

Касаллик профилактикаси учун энг самарали чора — аллергиялар билан алоқага киришдан сақланиш. Агар аллергия ринитни уй анжомлари ва жиҳозлари кўзгасиз, уларни тез-тез тозалаш ва алмаштириш керак.

САЛОМАТЛИК



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмасининг ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY
NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 490 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-820

